

ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ АНТРОПОЦЕНТРИК МАҚОЛЛАРДА ОИЛА ТАЛКИНИ

М.А.Абдувахобова, мустақил тадқиқотчи

Аннотация: ушбу мақолада француз ва ўзбек тилларидаги оила концептига доир мақолларнинг антропоцентрик хусусиятлари кўриб чиқилди.

Калит сўзлар: оила концепти, мақол, матал, образ, паремиология, фразеологизм.

Аннотация: в данной статье рассматриваются антропоцентрические характеристики пословиц о понятии семьи во французском и узбекском языках.

Ключевые слова: понятие семьи, пословица, пословица, образ, паремиология, фразеологизм.

Abstract: this article examines the anthropocentric characteristics of proverbs about the concept of family in French and Uzbek languages.

Key words: family concept, proverb, proverb, image, paremiology, phraseologism.

Мақол сўзнинг кўрки, нутқнинг ўткир қуроли, халқнинг донишмандлигидир. Мақол халқнинг панд-насихати, маънавий-ахлоқий ҳулосаси, халқ миллий рухининг акс-садоси, тил табиатининг ҳикматли меъросидир. Мақол чуқур ижтимоий, ахлоқий, фалсафий-ҳикматона мазмунга эга. Мақол халқ ақл-идрокиннинг махсули, унинг ҳукми кўп асрлик тажрибалар мажмуи, турмушдаги турли воқеа-ҳодисаларга муносабатининг ифодасидир. Мақол қулгуси – халқ қулгуси ва мақол кинояси – халқ кинояси демакдир деб айтади татар ёзувчиси Ноқий эсонбой.

Мақоллар фразеологик бирикмаларнинг алоҳида бир туридирки, булар “мақол фразеологизмларидир”. Мақол – нарса ва ҳодисаларни образли ифодаловчи тилда кенг ишлатиладиган ибора ва нутқ ибораларидир.

Матал эса сўзловчининг ўз нутки мазмунига муносабатини ифодалайди. Матал айтилмоқчи бўлган фикрни тугал баён қилмай, балки унга ишора қилади. Матал “у аҳмоқ одам” дейиш ўрнига “унинг бир қайнови паст” дейди, “улар бир-бирига мос” дейиш ўрнига “улар бир олманинг икки палласи” деб айтади. Мақол ва матал ўртасида умумийлок кўзга ташланади.

Бу умумийлик шундан иборатки, ҳар иккала категория ҳам нуткни жонлантириш, жозибадор ва образли қилиш, фикрни тайёр нутқ қолиплари, формулалари билан ифодалаш, уни мазмундор қилишда ишлатилади, лекин шу билан бирга фикрни ўзида ифодалаган мақоллардан маталлар жиддий фарқ қилади.

Маталлар муайян ҳаётий ҳодисани аниқ ва тўғри белгилаб берадиган образли ифода, ибора саналади. Унда ўхшатиш, таққослаш, киноя, қочирик сўз каби бадиий воситалардан фойдаланилади. Мажозий иборанинг ўз асл маъноси билан қўчма маъноси ўртасида яқинлик, мантиқий боғланиш бўлиши лозим. Матал бир ёки бир неча жумладан тузилади. Улар орасида қофияланиш ҳамisha ҳам сақланмайди. Масалан, “қизим сенга айтаман, келиним сен эшит”.

Миллий қадриятларнинг аниқ маданий концепт таҳлили орқали амалга оширилган лингвистик баёни бир қатор ишларда, (хусусан, О.В.Набиркинанинг тадқиқотларида) самарали усул сифатида қўлланилган. Мазкур тадқиқотлар асосида концепт онг структураси сифатида турли тил қатламларида акс этиши ҳақида хулосага келиш мумкин. Бироқ тилнинг этномаданий хусусиятлари унинг фразеология ва паремиологияси орқали янада ёрқин намоён бўлади. Буни куйидаги мақоллар мисолида кўришимиз мумкин:

- Il y a toujours une cuiller malpropre dans chaque famille

Бу мақолнинг маъноси шуки, ҳар бир оилада битта ўзгача фарзанд бўлади, у ўзининг исёнкор, қайсар хулқи билан ака опаларидан ажралиб туради

- *Ce qui se dit à table se plie avec la hatte*

Яъни дастурхон устидаги айтилган гаплар дастурхон билан йигиштирилади, уйдаги гап уйда қолсин деган маънода

- *La distinction tient de la famille, la conduite est personnelle*

Оиладан, ота-онадан баъзи одатлар мерос бўлиб ўтади, бироқ ҳар ким ҳаёт ёълини ўзи танлайди

- *Assis sur les genoux d'une mère pauvre, tout enfant est riche*

Яъни бу ерда она меҳри беқиёс деган маънода

- *La chemise est plus proche du corps que l'habit*

Барча нарсаларданда оила энг яқини, қадрлиги деган маънода.

Шунингдек ўзбек ва француз тилларидаги ифода ва мазмун жихатдан яқин бўлган мақолларни ҳам кўришимиз мумкин:

La famille avant tout	Оила тинч – Юрт тинч
À chaque oiseau son nid est beau	Ўз уйим ўлан тўшагим
La pomme (le fruit) ne tombe jamais loin de l'arbre	Дарахтига кўра – меваси, Ота-онасига кўра – боласи
On choisit ses amis, on ne choisit pas sa famille	Ота-она танланмайди
Notre famille est un jeune arbre qui n'arrête pas de grandir.	Сув билан экин ўсар, Тарбия билан – одам
On choisit ses amis, pas sa famille	Ота-она танланмайди
Notre famille est un jeune arbre qui n'arrete pas de grandir	Сув билан экин ўсар, Тарбия билан – одам

Un père est un trésor :un frère est un confort ; un ami à la fois.	Ота – хаз ина, ака-ука – таянч, Дўст эса хар иккови
Vos pieds quitteront le foyer mais pas votre coeur	Ўргимчак ҳам ўз уйим дейди
Bon sang ne peut mentir	Кўзи кўчқордан нишон, Ўгил – отадан
Un père est plus d'une centaine de maître d'école	Оталар сўзи – ақлнинг кўзи
Tendresse maternelle toujours renouvelle	Онанинг кўнгли – болада, Боланинг кўнгли – далада
Mariage prompt, regrets longs	Рўзгор тушди бошга, Кўл тегмади ошга
Femme bonne vaut couronne	Яхши хотин – хазина
La femme est la porte de l'enfer	Яхши хотин – ярим ризк

Биз француз ва ўзбек мақол ва маталлари қиёсий таҳлили мисолида ҳар икки халқ маданиятида оила ва оила кадриятлари биринчи ўринда туришига гувоҳ бўлдик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзаев Т. “Ўзбек халқ мақоллари”
2. Имомов К, Мирзаев Т., Саримсоков Б., Сафаров О., “Ўзбек халқ огзаки поетик ижоди”
3. Gonzalez R, La phraseologie du francais
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.

5. 1. Акбарова, Ш. Ф. (2023). ЎЗБЕК НАСРИДА А. КАМЮ ТАЪСИРИ ВА ТАЛҚИНИ. *Scientific progress*, 4(4), 321-325.
6. 2. G'aniyevna, A. S. (2023). TALABALARNING FRANSUZ TILIDA KOMMUNIKATIV QOBILIYATLARINI SHAKLLANTIRISH. *SO'NGI ILMIY TADQIQOTLAR NAZARIYASI*, 6(6), 311-315.
7. 3. Akbarova, S. G. (2023). TYPOLOGICAL SIMILARITY AND INTERACTION—AN ACTUAL PROBLEM OF COMPARATIVE LITERATURE. *Procedia of Theoretical and Applied Sciences*, 8(8), 19-22.
8. 4. Акбарова, Ш. (2022). Адабиётшуносликда талқин ва герменевтика масалалари. *Ренессанс в парадигме новаций образования и технологий в XXI веке*, (1), 44-45.